

Мағриб ила машриқ ораси қибладир | Ҳадис дарслари (293-дарс)



19:00 / 31.07.2024 3465

هُلِّلَا يَضَرَّ رَمْعِ نُبَا نَع
سُّانِلَا اَمَنْ يَب : لاق اُمُه نَع
ذِيَّ اَبُقِبْ خُبُّ صِلَا لَ ص ي ف
لُوسَرُّ نَا : لاق فِ ت اُمُه اَج

هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّصْ هَلَلَا
هَيْلَعُ لَزْنُ أَدَقِّ مَلَّسَو
نَا رْمُ أَدَقِّ وَهَلَّيَلَلَا
هَبَّعَكُ لَلْبُقَّتْ سَي
تَنَّاكَ وَهَوْلُ بُقَّتْ سَاف
مَّاشَلَا يَلَّإِ مُهَّوْجُو
هَبَّعَكُ لَلْيَلَّإِ أُرَادَتْ سَاف
يَذُمَّرَّتْ لَلْإِ هَسَّ مَخْلَا هَاوَر

Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Одамлар Қубода Бомдод намозини ўқиб турганларида бирдан бир одам келиб:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга бу кеча оят нозил қилинди. Батаҳқиқ, у кишига Каъбага қараш амр қилинди. Бас, сиз ҳам ўша томонга қаранглар», деди.

Уларнинг юзлари Шомга қараган эди, Каъбага қараб айландилар».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Худди шу ривоятдагига ўхшаш ҳодиса бошқа бир масжидда ҳам содир бўлган. Ўшанда Каъба қибла бўлгани ҳақидаги оят нозил бўлгач, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга Каъбага қараб намоз ўқиган одам ансорийларнинг масжидда Байтул Мақдисга қараб

намоз ўқиётганларини кўриб, қибла ўзгарганлиги ҳақида хабар берган. Ансорийлар намозда туриб, Каъбага бурилганлар. Ана ўша масжид – Масжиди Қиблатайни («икки қиблали масжид») деб номланиб қолган.

Ушбу ҳадисдан ҳам намозда Каъбаи муаззамага қараб юзланиш фарз эканлиги келиб чиқади.

Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъба томон юзлантирилишларини яхши кўрар эдилар. Аллоҳ: «Гоҳо юзингни осмонга тез-тез бурилганини кўрурмиз. Бас, албатта, сени ўзинг рози бўлган қибла томонга юзлантирурмиз. Юзингни Масжидул Ҳаром томон бур. Ва қаерда бўлсаларингиз ҳам юзингизни у томон буринг» оятини нозил қилди. Бас, у зот Каъба томон юзландилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Байтул Мақдиснинг қибла бўлиши Қуръон билан эмас, Суннат билан собит бўлган эди. Шу билан бирга, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъбаи муаззаманинг қибла бўлишини жуда хоҳлар эдилар. Аммо одоб сақлаб, Аллоҳдан бу ишни тезлатишини сўрамас ҳам, дуо ҳам қилмас эдилар. Фақат юзларини осмон томон тез-тез буриб, бу ҳақда ваҳий тушиб қолмасмикан, деб интизор бўлардилар. Аллоҳ таоло ўша ҳолатга ишора қилиб:

«Гоҳо юзингни осмонга тез-тез бурилганини кўрурмиз», демоқда.

Сўнгра Пайғамбарига Каъбани қибла қилиб беришни ваъда этиб:

«Бас, албатта, сени ўзинг рози бўлган қибла томонга юзлантирурмиз», демоқда.

Ва ниҳоят, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам, мўмин-мусулмонларга ҳам намозда Каъбани қибла қилиб олишни буюрмоқда:

«Юзингни Масжидул Ҳаром томон бур. Ва қаерда бўлсаларингиз ҳам юзингизни у томон буринг».

Мана шу оят нозил бўлганидан кейин у зот алайҳиссалом умрларининг охиригача Каъба томон юзланиб, намоз ўқидилар. Саҳобалар ҳам шундай қилдилар. Барча мусулмон авлодлар ҳам шундай қилишди ва қилишмоқда. Дарҳақиқат, бизда бошқа томонга қараб намоз ўқиганнинг намози қабул

бўлмайди.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мағриб ила машриқ ораси қибладир», дедилар».

*Ибн Можа, Ҳоким, Дора Қутний ва Термизийлар ривоят қилганлар.
Термизий саҳиҳ, деган.*

Шарҳ: Бу гап Мадинаи Мунаввара ҳамда унинг теваарак-атрофида яшовчиларга тегишлидир.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.